Ушбу сонда: 2 САХОВАТ ЖАННАТ ЭШИГИДИР | 3 TV - ДАСТУРИ | 4 МУҲАММАДҚОДИРНИНГ ЁРҚИН ҒАЛАБАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
UZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 3 октябр, сешанба №145 (977)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ХАЛҚАРО ҚАРИЯЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимизда Халқаро қариялар куни кенг нишонланди. Ўзбекистон Бадиий академияси қошидаги А.Хўжаев номли тасвирий ва амалий санъат билим юртида шу муносабат билан учрашув ўтказилди. Унда Ўзбекистон бадиий ижодкорлар уюшмасининг бир гуруҳ фахрийлари иштирок этди.

Бадиий академия раиси Т.Қўзиев тадбир иштирокчиларини байрам билан табриклаб, республикамиз тасвирий санъати ривожига, уни жаҳонга танитишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган фахрий рассомларимиз бугунги кунда ҳам ўз ижоди билан ёшларга ўрнак бўлаётганини, улар ҳамон мамлакатимизда ва хорижда ўтказилаётган кўргазмаларда фаол иштирок этаётганини таъкидлади. Фахрийларга Бадиий академия дипломлари ва совғалар топширилди. Тадбир доирасида билим юрти ўқитувчилари Ирина Ивлиева ҳамда Юрий Кимнинг тасвирий ва амалий санъат асарлари шахсий кўргазмалари очилди.

**(ЎзА).**

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**2 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Исмоил Жемни қабул қилди.**

- Ўзбекистонга ташрифингиз мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтаришда муҳим ўрин тутади, - деди давлатимиз раҳбари. - БМТнинг Нью-Йоркда бўлиб ўтган «Мингйиллик саммити»да Туркия Президенти А.Сезер билан учрашган эдик. Бугун ана шу мулоқотни давом эттириш имконияти пайдо бўлди.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги муносабатларнинг самимий руҳда ривожланиши икки қардош халқ манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

Учрашувда икки мамлакат алоқаларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари хусусида сўз борди.

**(ЎзА).**



**Суратда: қабул пайти.**

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

## ТУРКИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

***Туркия ташқи ишлар вазири Исмоил Жем расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Мазкур ташриф доирасида 2 октябр куни Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари делегацияларининг музокаралари бўлди.***

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов ушбу ташриф икки қардош мамлакат ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтаришда муҳим ўрин тутажагини таъкидлади.

Учрашувда томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасида шу кунгача абадий дўстлик, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, халқаро террор ва наркотик моддалар контрабандасига қарши биргаликда кураш тўғрисидаги шартномалар имзоланган. Мамлакатларимиз ўртасида қабул қилинган жами ҳужжатлар сони эса етмишга яқиндир.

Иқтисодий алоқаларга келсак, шу кунгача Ўзбекистонда Туркиянинг юзга яқин фирма ва компанияси рўйхатдан ўтган. Уларнинг 69 фоизи билан қўшма корхона тузилган, қолганлари тўла Туркия сармояси асосида ишламоқда.

Исмоил Жемнинг Ўзбекистонга келиши хусусида эса шуни айтиш жоизки, БМТнинг «Мингйиллик саммити» доирасида Президентимизнинг Туркия раҳбари билан учрашувида бу борада келишиб олинган эди.

- Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги муносабатларнинг шу кунгача бўлган қисмини ўзига хос тажриба тўплаш даври, дейиш мумкин. Юртингизга бу галги ташрифимиздан мақсад ўтган даврда амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб, ўзаро алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришдан иборат, - деди И.Жем журналистларга берган интервьюсида. - Халқаро андозаларга тўла мос келадиган ҳамкорликни қарор топтириш, янада яқинроқ бўлишга интилмоқдамиз. Албатта, кўп соҳаларда, жумладан иқтисодий ҳамкорлик борасида анча муваффақиятларга эришганмиз. Бироқ бу билан чекланиб қолмаслигимиз керак. Хусусан, бугунги музокараларда Ўзбекистон ишбилармонларининг Туркиядаги, Туркия ишбилармонларининг эса Ўзбекистондаги фаолиятини ҳукумат томонидан кенг қўллаб-қувватлашга келишиб олдик. Шунингдек, музокаралар давомида халқаро терроризмга қарши кураш масаласи ҳам муҳокама этилди. Туркия бу муаммодан кўп азият чеккан ва унга қарши курашда анча тажриба орттирган. Шу боис террор муаммосига бошқа бирор бир давлат, жумладан, бизга қардош Ўзбекистоннинг учрашини истамаймиз. Бу борада мамлакатингиз билан кенг кўламли ҳамкорликка тайёрмиз.

Туркия ташқи ишлар вазири Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талаба ва ўқитувчилари билан учрашди. Шунингдек, Шаҳидлар хотираси хиёбонида бўлиб, юртимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган ватандошларимиз ёдгорлиги пойига гул қўйди.

И.Жемга Туркия ишбилармон доиралари вакилларининг нуфузли делегацияси ҳамроҳлик қилмоқда. Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-семинари бўлиб ўтди. Қатнашчилар ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш имкониятлари юзасидан фикр алмашди.

**(ЎзА).**

***Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки вакиллари Осиё банклари уюшмасининг /ОБУ/ сентябрнинг охирида Истамбулда бўлиб ўтган йиллик анжуманида иштирок этишди. Анжуманда мамлакатимизнинг мазкур ташкилотдаги нуфузини оширувчи қатор қарорлар қабул қилинди.***

ОСИЁ БАНКЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИСТАМБУЛ АНЖУМАНИ:

## ЎЗБЕКИСТОН НУФУЗИ ОРТИБ БОРМОҚДА

Дастлаб маслаҳат берувчи ташкилот сифатида ташкил топган ОБУ Жануби-шарқий Осиё давлатлари ассоциациясининг молиявий таянчига айланди. Унинг асосий мақсади - минтақадаги банк ва молия ҳамкорлиги истиқболларига оид бўлган масалаларни ва кундалик муаммоларни муҳокама қилувчи анжуман ташкил этишдан иборат. ОБУ сафига 200 дан ортиқ йирик Осиё банклари ҳамда Осиё-Тинч океани минтақасининг етакчи банк муассасалари бўлинмалари киради. Мутахассислар фикрича, унда бугунги кунда жаҳон инвестициявий салоҳиятининг 60 фоизи мужассамлашган.

Истамбул йиғилиши иштирокчилари банкларнинг янги асрдаги фаолиятига тааллуқли қатор масалаларни муҳокама қилишди. Улар орасида - жаҳон молия тизимининг глобаллашуви ва банк компьютер технологияларини ривожлантириш, банк фаолиятида Интернет тизимидан фойдаланиш каби масалалар бор.

Анжуманнинг қатор қарорлари Ўзбекистоннинг Осиё банклари уюшмасидаги мавқеини сезиларли равишда оширди. Жумладан, ОБУнинг олий раҳбар органи - директорлар кенгашининг янги аъзолари сафидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳам ўрин эгаллади. Директорлар кенгашида МДҲ давлатларидан яна бир вакил Халқаро саноат банки /Россия/ бор.

Кун тартибидаги асосий масалалардан бири ОБУ нинг келгуси йилдаги йиғилиши ўтказиладиган жойини белгилашга тааллуқлидир. Ўтган йили Миллий банкимиз 2001 йилдаги йиғилиш ташкилотчиси бўлиш учун ўз номзодини кўрсатган эди. Айни пайтда Сеул шаҳри ҳам бунга даъвогар бўлди.

Муҳокама пайтида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларга ва Марказий Осиёдаги йирик банк - Миллий банк фаолиятига юқори баҳо берилиб, директорлар кенгаши ОБУнинг 2001 йилдаги йиғилишини Тошкентда ўтказишга қарор қилди. Шундай нуфузли анжуманнинг пойтахтимизда ўтказилиши халқаро молиявий ҳамжамиятнинг кўп аъзоларига республика салоҳияти билан яқиндан танишиш имконини беради. Мамлакатимиз банкларининг Осиё-Тинч океани минтақасидаги давлатларнинг молиявий институтлари билан ҳамкорлигини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади ҳамда ОБУ давлатларидан Ўзбекистонга инвестициялар ва технологиялар оқимининг кириб келишини таъминлайди. Бундан ташқари, олинган тажриба 2003 йилда Тошкентда ўтказиладиган Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг йиллик анжуманига тайёргарлик кўришда ҳам қўл келади.

**(ЎзА).**

## НИҲОЛЛАР ЧИНОРГА АЙЛАНАЖАК

Ватанимиз мустақиллигининг 9 йиллик байрами арафасида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти таъсис этилган эди. Унда ўзининг мусиқа, матн ва ижро маҳорати билан кишилар юрагига етиб бориб, эзгуликка чорловчи ва иймон-эътиқодни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаолият кўрсатиб келаётган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш кўзда тутилганди.

Куни кеча пойтахтимиздаги Халқлар Дўстлиги саройида мазкур мукофотнинг илк соврindorларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов мамлакатимизда ёш санъаткорларни ҳар томонлама асраб-авайлаш, истеъдод имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, ёшлар овозининг дунё бўйлаб таралишига кенг йўл очиш ниятида амалга оширилаётган хайрли ишларга тўхталар экан, мукофот рамзи - кафтдаги ниҳол келгусида улкан чинор бўлиб етишишига ишора эканини таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, ниҳолларнинг бугунги парвариши уларнинг келгусидаги камолотидан дарак беради.

Мусиқа садолари остида Бернора Қориева, Юлдуз Исматова, Ғуломжон Ёқубов, Абдуҳошим Исмоилов, Дилором Омонуллаева, Кумуш Раззоқова, Ёдгор Саъдиев сингари санъатимизнинг таниқли намояндалари совриндорларни қутлаб, уларга мукофотларни топширишди. Айни вақтда мусиқанинг сеҳрли оламига эндигина кириб келаётган ёшларнинг қутлов-қўшиқларини томошабинлар гулдурос қарсаклар билан кутиб олишди. Совриндорлар - Севара Назархон, Нилуфар Саитова, Абдулазиз Карим, Тоҳир Содиқов, «Сетора» гуруҳи, Анна Гузаирова, Гулшода Абдиева, Иззат Иброҳимов, Дилфуза Раҳимова, Дилшод Назаров ижросининг нафислиги ва жозибадорлиги қўшиқ ва рақс шайдолари қалбини ўзига ром этди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Дил изҳори*

## ЭЛНИНГ ҚОРА КЎЗЛАРИ

***Ватан ҳимояси йўлида жонини қурбон қилган ўғлоннинг онаизори йўллаган мактубни Президентимиз халққа ҳавола қилар экан, вужудимни ҳаяжон босиб, кўзимда ёш қалқди ва қўлимга қалам олиб, ушбу мисраларни битдим.***

*Буни ёзишга қалам*
*Ожиздир, ёзган билур.*
*Оламнинг сўз бойлиги*
*Етмайди, камлик қилур.*

*Элнинг қаро кўзлари*
*Ёшга тўлди бaногоҳ.*
*Ватан йўлида шаҳид*
*Бўлди ёшлар бегуноҳ.*

*Юртбоши алам ила*
*Фарзанд доғида ёнган*
*Она хатин ўқиди,*
*Қалб шошди ҳаяжондан.*

*Ўртанди юрак сим-сим,*
*Ғам-андуҳ соя солди.*
*Нуроний чеҳрасида*
*Аламли дард уйғонди.*

*Таъсирчан дил сўзлари*
*Кезади юрагимда.*
*Жудолик нолаларин*
*Сезаман юрагим-ла.*

*Она мингдан-минг рози,*
*Ўстирган фарзандидан*
*Таъзимда эл-устози,*
*Ватаннинг дилбандидан.*

*Бундай ҳолат мот этар,*
*Ҳар қандай зот юрагин.*
*Эл интиқиб кутарди*
*Йўлбошчиси тилагин.*

*Бу ғамгин қарашларда*
*Бор эди чексиз алам.*
*Фарзанд доғи олдида*
*Тор эди унга олам.*

*Изтиробда эди у,*
*Ғуссада вужуд-тани.*
*Жон берган-ку шу ўғлон*
*Асрай деб Ватанини.*

*Ўқиркан онаизор*
*Дил сўзларин бирма-бир,*
*Кўзларида ёш қалқди,*
*Чидаб бўлурми ахир?!*

*Гўё у ажрагандек*
*Ўз жигарпорасидан.*
*Хат ҳам ёзилган каби*
*Ўз туққан онасидан.*

*Ватан учун жон берган*
*Ўғлон тирилса, кошки,*
*Бунёдкорлик ишида*
*Иштирок қилса, кошки!*

*Онанинг нолалари*
*Акс-садо берди дилда.*
*Юртбошим ўқиб берди,*
*Янгради яна тилда:*

*«Ўғлоним, тирикдирсан,*
*Токи олам бор экан.*
*Ҳар фарзанд қалбда яшар,*
*Шу юрт учун жон берган».*

*Билиб қўйгил, эй жаллод,*
*Қўймаймиз сени омон!*
*Ал қасосул минал ҳақ -*
*Халқ қарғиши кўп ёмон.*

*Ўзбегим, бахтинг, бутун,*
*Чунки мард Йўлбошчинг бор.*
*Шу инсон туфайлидир*
*Юртда тинчлик барқарор.*

*Сўрайман Аллоҳимдан*
*Унга узоқ умр бер,*
*Керак бўлса, розиман,*
*Мендан олиб, унга бер.*

**Абдували**
**ҒУЛОММАҲМУДОВ,**
**техника фанлари доктори, профессор.**

*Муаммо кўндаланг қўйилади*

***Мустақил Ўзбекистон беқиёс имкониятлар мамлакати. Бу ерда келажагимиз ворислари бўлмиш ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мақсадга эришишда ҳукуматимизнинг «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонунининг аҳамияти беқиёсдир. Хўш, шулар асосида Фарғона вилоятида қандай ишлар амалга оширилмоқда?***

## ҚОҒОЗДА ҚОЛГАН ТАДБИРЛАР

Ўзбекистон Президентининг иқтидорли ўқувчи-ёшларни аниқлаш ва тарбиялаш тўғрисидаги Фармонини ҳаётга изчил татбиқ этиш юзасидан белгиланган тадбирлар шарофати ила вилоятда бундай мактаблар сони 54 тага етказилди. Уларда 17.150 нафар қобилиятли ўқувчилар таълим олмоқдалар. Илм масканларида таълим-тарбияни яхши йўлга қўйиш учун шароитлар муҳайё этилган. Ёшлар компьютер сабоқларини ҳам қунт билан ўрганмоқдалар. Саъй-ҳаракатлар зое кетмади. Ўтган йили янги усулдаги мактабларни битирган 1564 нафар ўқувчининг 1048 нафари ёки 67 фоизи олий ўқув юртларига кирдилар. Бу борада Фарғона шаҳридаги 1-гимназия интернати, Марғилондаги 2-лицей-интернати, Қўқондаги иқтисодий йўналишдаги лицей-интернати, Бувайда туманидаги 2-лицей-интернатида кўрсаткичлар юқори бўлди.

Республика олимпиадаларида қатнашаётган ўқувчиларнинг кўпчилиги Фарғона, Марғилон шаҳарлари, Сўх туманлари ўқувчиларидир. Фарғонада 1999-2005 йиллар давомида 19 та академик лицей, 152 та касб-ҳунар коллежи тизимини ташкил этиш режалаштирилган. Бунёдкорлик ишлари имконият даражасида давом этмоқда. Жумладан, вилоят Осиё тараққиёти банки билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ушбу банк томонидан имзоланган махсус лойиҳа асосида учта ўқув юртини, Япония банки ҳамкорлигида тўртта, Жанубий Корея ҳамкорлигида эса ўн битта ўқув юртини ўқув лаборатория ва ишлаб чиқариш дастгоҳлари билан таъминлаш дастурга киритилган.

Бу йил вилоятда учта касб-ҳунар коллежи, битта академик лицейнинг янгитдан қурилиши кўзда тутилган. Ўнта фаолият кўрсатиб турган ўқув юртларидан тўққизтаси касб-ҳунар коллежига, биттасини академик лицейга реконструкция йўли билан ишга тушириш мўлжалланган. Вилоятда 1060 та мактабгача таълим муассасалари мавжуд. Улардаги болалар сони 84600 нафарга етказилди. Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида»ги қарорига кўра Фарғонада 637 та мактабгача таълим муассасалари қайд этилган тартибда қабул қилиниши керак эди. Афсуски, маблағ йўқлиги баҳонасида улардан 156 таси ҳанузгача қабул қилингани йўқ.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, мактабларга жалб қилинган 6-7 ёшли болаларнинг талайгина қисми соғлиғи яхши эмас. Боз устига уларнинг тайёргарлиги ҳам талабга жавоб бермайди. Мутахассислар мактабгача таълим муассасаларига жажжиларни жалб қилиш ниҳоятда сустлиги қимматга тушаётганлигини тўғри таъкидлашяпти. Демак, Қува, Фарғона, Охунбобоев туманларида болалар етарли тайёргарликсиз бошланғич синфларга қабул қилинмоқда.

Вилоят мактабларининг компьютер синфлари билан таъминланиши 68 фоизни ташкил этади, холос. Бу борада Фарғона вилояти республикада энг сўнгги ўринлардадир. Ҳисоб-китоблар натижасида 286 та илм масканида компьютер синфлари йўқлиги маълум бўлди. Умумтаълим мактабларининг кўпчилигида чет тили, математика, кимё, тарих, физика фанлари ўқитувчилари етишмаётир. Ҳар йили кўпгина педагог кадрлар турли сабаблар билан ўз соҳаларини тарк этмоқдалар. Ўқитувчилар ўртасида бой тажриба ва билимга эга бўлган, ёшларга таълим-тарбия беришнинг янги усулларидан самарали фойдаланаётган ўқитувчилар кўп. Бироқ, уларнинг тажрибалари кенг оммалаштирилмаётир. Жойларда мураббийчилик ҳаракати сусайтириб юборилган. Ўқувчилар бўш вақтларини самарали ўтишини таъминлаш, уларни касбкорга йўналтирувчи тўгаракларга жалб этиш ҳам кутилган даражада эмас. Мактабдан ташқари муассасаларда қамровнинг етишмаслиги боис, кўчада беҳуда дайдиб, бекорга умр ўтказиб юрган ёшлар сони камаймаяпти. Бунинг оқибатида айрим ўринларда кўнгилсиз воқеалар содир бўлмоқда.

Спортни ривожлантириш ҳақида кўп гап бўлаётган бўлса-да, тадбирлар ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмаётганлиги сабабли бажарилмай қоғозда қолмоқда. Фурқат, Сўх, Бешариқ туманларидаги мактабларнинг 35-40 фоизидагина спорт зали мавжудлигини қандай баҳолаш мумкин?

Фарғона вилояти ҳокимлиги, вилоят халқ таълими бошқармасидаги мутасаддилар юқоридаги каби камчиликларни бартараф этиш, муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширмоқлари лозим. Акс ҳолда ёшлар таълим-тарбиясидаги ўзибўларчилик, қимматга тушади.

**А.ТЎХТАСИНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ШЎРТАНГА СУВ КЕЛДИ

Шўртан газ-кимё мажмуида сув таъминоти ва оқава сувлар цехи фойдаланишга топширилди.

Бу цехнинг асосий вазифаси табиий сувни кимёвий йўл билан тозалаб, мажмуани техник ва тоза ичимлик суви билан таъминлашдан иборат. Мутахассисларнинг фикрича, соатига 730 кубометр сувни қайта ишлаб, истеъмолга юбориш қувватига эга бўлган мазкур цехда табиий сувни кимёвий йўл билан тозалаш 4 босқичда амалга оширилади.

Цехга келиб тушаётган сув 7-Қарши магистрал каналидан олинмоқда.

*Ижтимоий ҳимоя*

# САХОВАТ ЖАННАТ ЭШИГИДИР

**_Инсон кўнгли гулдек нозик. Ҳар бир одам ҳаётда не-не эзгу ниятлар билан яшайди. Бироқ ногирон ёки бирон кўргулик туфайли саломатлигини йўқотганлар кимларнингдир бир оғиз ширин сўзига, мададига муҳтожлик сезадилар. Шукроналар бўлсинким, мустақил Ўзбекистонимизда инсон юксак даражада эъзозланади. Ҳукуматимиз, хусусан, муҳтарам Президентимиз мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, етим-есирлар, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронларга беқиёс меҳрибонлик кўрсатиб келмоқда._**



Меҳр-оқибат, саховат бизга ота-бобомиздан қолган мерос. Ўзингиз ўйланг, собиқ Шўро даврида кам таъминланган оилалар фарзандларининг хатна тўйларини кўплашиб ўтказиш мумкинмиди? Ана энди тадбиркорлар, иқтисодий жиҳатдан ўзини тутиб олган кишилар ёрдами билан мактаблар, кутубхоналар қурилмоқда. Шулар қаторида корхона, муассасаларнинг раҳбарлари меҳрибонлик уйларига баҳоли-қудрат ёрдам кўрсатмоқдалар. Шу ўринда мисол келтирсак. Жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида ҳомийлар томонидан кекса-ногиронларга, якка-ёлғиз нафақахўрларга 81 миллион сўмлик саховат кўрсатилди.

Республикамизда ҳар ким қариганида, меҳнат лаёқатини йўқотганда ёки боқувчисидан маҳрум бўлганда қонуний асосда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Бошқармамиз худди ана шу ижтимоий хизмат кўрсатиш ва имтиёзлардан фойдаланишни назорат қилади.

Тошкент вилоятида 291 минг киши пенсия ва нафақа олади. 16 ёшгача бўлган ногирон болалар 10 минг нафарни ташкил этади. Оҳангаронда ёлғиз қариялар учун 210 ўринли саховат уйи мавжуд. 350 ўринли эркаклар мурувват уйи ҳам бор. Улар давлат томонидан ҳамма нарса билан таъминланган. 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши муносабати билан вилоят бўйича ногирон болалар уйлари синчков назардан ўтказилиб, улардаги шароитни яхшилаш юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилди. Олти ой ичида ногирон фарзандларга 9 миллион сўмдан ортиқ хайрия ёрдами ташкил этилди. 21 та ногиронлик аравачаси тақсимланди. Шунингдек, етти ой мобайнида ёлғиз нафақахўрлар, кекса ногиронларга 25 та аравача, 47 эшитиш аппарати, 100 га яқин қўлтиқтаёқ ва бошқа жиҳозлар ажратилди.

Ёрдамга муҳтож кишилар саломатлиги ҳақида ҳам алоҳида қайғурилмоқда. Ўтган йилнинг олти ойида 1271 пенсионер, ногиронлар турли сиҳатгоҳларда соғлиқларини тикладилар. Бу йўлланмаларнинг 432 таси ҳомийлар томонидан олиб берилди. Бу йил ҳам меҳр-мурувватга муҳтож кишилар «Чинобод», «Турон», «Ботаника», «Бўстон» каби энг яхши шифо масканларида дам олдилар.

Тошкент шаҳрида Ижтимоий таъминот вазирлигига қарашли республика реабилитация маркази мавжуд. Жорий йилнинг апрел ойида Ангренда ногиронлар соғлиғини тиклаб, меҳнатга қайтариш маркази ташкил этилди. Бу ерда барча зарур муолажалар мавжуд. Функционал терапия ва гимнастика залининг ишга туширилиши нур устига нур бўлди.

Аслида дунё яхшилик, эзгулик учун яратилган. Бир ўксиган кўнгилни овлаш катта савоб. Олийжаноб, меҳри дарё, ўз бахтини ўзгалар роҳат-фароғатида деб билган инсонлар ҳамиша бор бўлсин!

**Анвар ТЎЛАГАНОВ,**
**Тошкент вилояти ҳокимлигининг ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи.**

*Хориж билан ҳамкорлик*

# ЖАНУБИЙ КОРЕЯ УЧРАШУВЛАРИ

**_Мустақиллик онгу тафаккуримизга шунчалар кўп ўзгаришлар олиб кирдики, натижада биз тасаввур қилганимиздан ҳам кенгроқ имкониятлар чегараси мавжудлигини ҳис қила бошладик. Биргина мисол: бундан ўн йилча муқаддам биз ҳамкорлик деганда собиқ иттифоқ тасарруфидаги ўн беш республика билан бўладиган алоқаларни тушунардик, холос. Энди эса Ўзбекистон кўплаб ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилмоқда._**

Улардан бири Жанубий Корея Республикасидир. Асакада барпо қилинган автомобил заводи, «Кобул Текстайл КО» қўшма корхонаси ана шу ҳамкорлик меваларидир.

Яқинда Ўзбекистон енгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси делегацияси Корея Республикасида бўлиб, ҳамкорларимизнинг касаба уюшмалари фаолияти, тажриба, ташаббуслари билан танишиб қайтишди. Қуйида шулар хусусида атрофлича фикр юритамиз.

Корея Республикаси Корея яриморолининг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, аҳолиси 41 миллион кишини ташкил этади. 9 вилоятга бўлинган мамлакатдаги 10,2 миллион иқтисодий фаол аҳолининг салкам ярми қишлоқ хўжалиги билан машғул.

Жанубий Кореяда аҳоли жуда тиғиз яшайди: 1 кв. км. жойга 320 нафардан ортиқ одам тўғри келади. Пойтахт Сеулда 9 миллион, Тэгу шаҳрида 2 миллион аҳоли яшаса, Пусан, Инчхон, Кванджу, Тэджон, Чонджу, Масан, Мокнхо каби йирик шаҳарлар ҳам ана шундай кўп аҳолилиги билан ажралиб туради.

Жанубий Кореянинг Меҳнат Кодексида меҳнат шароитининг энг кичик меъёрларигача аниқ кўрсатилган. Унга асосан миллий, фуқаролик ёки эътиқодига қараб камситиш, ҳақ-ҳуқуқини чеклаш, таъқиб қилиш қатъиян ман қилинади.

Бир йил ишлаб ишдан бўшаётган ходим 30 кунлик нафақа олиш ҳуқуқига эга. Агар тўлиқ бир йил ишламаган бўлса, нафақа берилмайди. Иш соати ҳафтасига 44, кунига 8 соатдан ошмаслиги қатъий белгилаб қўйилган. Ишловчиларга ойда бир кун ҳақ тўланадиган ҳордиқ куни берилади.

Тўқимачилик соҳаси мамлакатнинг 12 ҳудудига ёйилган бўлиб, унинг ҳар бирида касаба уюшмалари Федерациясининг вакили иш олиб боради. Ҳар бир ташкилотда касаба уюшма қўмитаси мавжуддир. Унинг раисига иш берувчи доимий равишда маош тўлаб туради.

Корея Тўқимачилар Касаба Уюшмалари Федерациясининг фаолият доираси кенг ва ранг-баранг. Хусусан, ўқув бўлими меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат ва жамоа шартномалари, уларни тузиш йўллари, ишлаб чиқариш маданияти йўналишлари бўйича тажрибалар алмашиш, касаба уюшма фаолларини, ҳудудий ташкилотчиларни малака ошириш курсларида ўқитишни йўлга қўяди.

Ҳар йилнинг ниҳоясида меҳнатга ҳақ тўлаш, иш соатлари сони, меҳнат шароити алоҳида назардан ўтказилади. Зарур бўлганда муддатдан ташқари ҳолларда ҳам музокаралар олиб бориш назорат бўлимининг вазифасига киради. Бундан ташқари, назорат бўлими жамоа шартномаларига ўзгартишлар киритади ҳамда унинг бажарилишини назорат қилади. Касаба уюшмалари фондини Федерация тасарруфидаги корхоналардан тушган аъзолик бадаллари ташкил этади. Кореяда ҳар бир касаба уюшма аъзоси маошидан қатъи назар, 600 вон (0,60 АҚШ доллари) миқдорида аъзолик бадали тўлайди.

Корея Тўқимачилар Касаба Уюшмалари Федерацияси дунёдаги кўпгина ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади. Жумладан, у тўқимачилар, кийим-кечак, кўнчилик саноати ходимлари Халқаро Федерацияси (ITGLWF) ва TWARO, Япониянинг енгил, химия, озиқ-овқат саноати, тижорат ва унга ёндош тармоқлар ходимлари касаба уюшмалари (ZENSEN), Туркиянинг тўқимачилик, тўқув ва тикув саноати ходимлари касаба уюшмалари ҳамда Ўзбекистон енгил, мебель саноати ва коммунал маиший-хизмат ходимлари касаба уюшмаси билан узвий алоқа қилиб туради.

Кореяда тўқимачилик тармоғидаги барча янгиликлар доимий равишда чоп этиб борилади. Ҳар йили маошларни ошириш бўйича олиб бориладиган музокараларнинг асосий тамойиллари, жамоа шартномаларининг намуналари ҳамда олиб борилган ишлар ҳисоботи ҳам эълон қилинади.

Корея Тўқимачилар Касаба Уюшмалари Федерализм тамойилига асосланган мамлакатдаги энг йирик бирлашмалардан биридир. У таъсир доираси кенг бўлган тузилма сифатида давлат сиёсатига ҳам сезиларли таъсир ўтказа олади.

**Темир ҚУРБОН.**

## «САНАМ»ГА ОЛТИН ЮЛДУЗ

Қаршидаги «Санам» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Германиянинг «Интержинс-2000» кўргазмасида намойиш этилди ва «Бизнес инвайтед директейшн» халқаро конвенциясининг «Сифати ва афзаллиги учун олтин юлдуз» мукофотига сазовор бўлди.

«Санам» тамғаси билан чиқарилаётган эркаклар кўйлаклари ва спорт кийимлари халқаро сифат талабларига тўла жавоб беради. Ва айнан мана шу маҳсулотлар мукофотга лойиқ топилди.

Мукофотларни топшириш маросими шу йилнинг 30 октябрида Швейцариянинг Женева шаҳрида бўлиб ўтади.

**(ЎзА).**

*Касаба уюшма ҳаёти*

# Тренинг: АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАБ

**_Аёлни асраш келажакни асраш демакдир. Зеро, аёл бахти, оила, фарзандлар, қолаверса жамият бахтидир. Юрт истиқлолидан сўнг аёлга, онага бўлган муносабат тамомила янгича моҳият касб этмоқда. Бу борада касаба уюшма фаоллари ҳам бир қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда._**

Вилоятимизда Винрок интернейшл хотин-қизларнинг интеграциялашган ҳуқуқий саводхонлиги лойиҳасини амалга ошириш юзасидан бир қатор тадбирлар ўтказилди. Биз тренинглар ўтказиб, унда аёлнинг оилада, ҳаётда тутган ўрни юзасидан баҳс-мунозаралар юритиб, муаммолар ечимини топишга интиляпмиз. Бунда WILL лойиҳасининг ваколатли таълим бўйича тренерлари, Жиззах педагогика институти профессори Фания Аҳмедшина, Гулистон шаҳридаги 16-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Реимбоевалар жонбозлик кўрсатишаяпти. Тренингларимиз оддий баҳс ё тортишувдан иборат бўлиб қолмаяпти. Биз аёлларнинг турли қатламларини даврага тортишга ҳаракат қилаяпмиз. Масалан, балоғат ёшига етган қизлар билан бир неча маротаба тренинглар ўтказдик. Ўртага қўйилган масала қизларимизни катта ҳаётга тайёрлашдан иборат эди. Улар турмуш синовларини қандай қарши оладилар. Қолаверса, мустақил ҳаётга қадам қўйган ёш аёл ўз ҳақ-ҳуқуқини биладими? Машғулотларимиз ёшларга маъқул келди. Негаки, турли феъли қизлар учрашувда хилма-хил фикрларни ўртага ташлашди. Бири-биридан ўрганди.

Яқинда вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ташаббуси билан навбатдаги тренинг ўтказилди. Унга асосан уй бекалари ва тадбиркор аёллар таклиф этилди. Қатнашчилар «Лола», «Атиргул» ва «Чиннигул» гуруҳларига бўлиндилар. Аёлнинг оиладаги дам олиш вақти савол тариқасида ўртага ташланиб, таҳлил қилинди. Ҳар учала гуруҳ аъзолари ҳам бир хил фикр айтишди. Очиғини айтганда, аксарият юмушлар аёл зиммасида қолиб кетаяпти. Зеро, оилада энг кам дам оладиган ҳам аёл. Унинг дам олиши кунига атиги тўрт ярим, беш соатдан ошмас экан. Хўш, аёл зиммасидаги юкни енгиллатиш мумкинми? Агар аёл уддабурон, оқила бўлса рўзғордаги юмушларнинг бир қисми эр ва ўғиллар ўртасида тақсимланиши мумкин, деган хулосага келинди. «Сир сақлаш» мавзуи ҳам қизиқиш билан муҳокама қилинди. Негаки кўчадаги гап уйга тўғри келмайди. Оила сири, эр-хотин сири, хуллас бошқа бировга айтиб бўлмайдиган гаплар ҳам бўлади. Умуман сир сақлашнинг уддасидан чиқишга кўникма ҳосил қилиш жуда муҳим. Машғулотларимизга қизиқиш тобора ортаётганлиги биз учун қувончли ҳол. Баҳс, мунозаралар аёлларимизда катта таассурот қолдириш билан бирга ҳаётий сабоқ ҳам бераяпти, деб ўйлайман.

WILL лойиҳасида кўзда тутилган мақсад ҳам аслида ўзи билан ўзи овора бўлиб қолган аёлларимизга кўмаклашиш. Биз тренингларни энди қишлоқларда ҳам ўтказамиз.

**М. ҚУРБОНОВА,**
**Сирдарё вилоят касаба уюшмалари Кенгаши бўлими мудири.**

*Ташаббус:*

## ХАЙРЛИ ИШЛАРГА БОШ

Наманган шаҳар ҳокимлиги аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фарзандларини давримизга муносиб кишилар бўлиб вояга етишлари учун ғамхўрлик кўрсатиш юзасидан ташаббуслар билан чиқмоқда. Жумладан, 2000-2001 ўқув йили бошланиши арафасидаги янгилик кўпчилик олқишига сазовор бўлди. Ўшанда шаҳардаги мавжуд 67 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги энг кам таъминланган оилаларнинг 1200 нафар фарзандини корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, тадбиркор ва ишбилармонлар ҳокимлик тавсиясига кўра кийим-бош, пойабзал ҳамда ўқув қуроллари билан таъминлаган эди. Ана шу ўғил-қизлар доимий оталиққа олинган бўлиб, ҳозир ҳам уларга зарур кўмак кўрсатиб келинмоқда.

**О. ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**





Бухоро туман марказида қишлоқ хўжалигига ихтисослашган янги касб-ҳунар коллежи қуриб, ишга туширилди. Барча қулайликларга эга бўлган замонавий илмгоҳда айни кунда 450 нафар ёшлар таълим-тарбия олиб, ҳунар ўрганмоқдалар.

**Суратларда: 1. Лингофон хонасидаги навбатдаги машғулот. 2. Коллежнинг умумий кўриниши.**

**Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## ИЖАРАЧИЛАР ҲИММАТИ

Ҳозирги кунда республикамиз барча пахта далаларида ҳар қачонгидан ҳам иш қизғин. Чунки пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни нестнобуд қилмай, ёғингарчиликларга қолдирмасдан йиғиб-териб олиш шу куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Жумладан, Сирдарё туманидаги «Сирдарё» ширкат хўжалиги миришкорлари ҳам мавсум ишларини авж олдиришмоқда. Мавжуд 782 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26-28 центнердан ҳосил кўтариш режалаштирилган бўлиб, кунлик пахта тайёрлаш 4-6 фоизни ташкил этмоқда.

Айниқса, Ш. Фазлиддинов, Қ. Ўрдабоев, И. Қаюмов, Б. Кучаровлар етакчилик қилаётган оилавий ижарачилар йиғим-теримда карвонбошилик қилиб, кўпчиликка ибрат бўлаётирлар.

Хўжаликда теримчилар учун ҳамма қулайликлар яратилгани, улар меҳнати ўз пайтида рағбатлантирилаётгани туфайли теримда суръат ва сифат таъминланмоқда.

## КОРХОНА ТАРМОҒИ КЕНГАЙМОҚДА

«Бухороқоракўл» ҳиссадорлик жамияти бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, ўз бўлимлари тармоғини кенгайтирмоқда. Яқинда қўшни Навоий вилоятининг Нурота қўрғонида жамиятнинг яна бир бўлими иш бошлади.

Ҳозирда 11 киши меҳнат қилаётган Нуротадаги ушбу цех келгусида катта корхонага айлантирилади. Ва бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар хорижий давлатларга экспорт қилинади. Бу эса жамиятнинг валюта захирасини кўпайтиришда муҳим омил бўлади.

*Маънавият*

# ЮТУҚЛАР СОЯСИДАГИ НУҚСОНЛАР

**_Истиқлол йилларида халқимиз маънавий дунёқараши ўзгарди ва ғурур билан айтишимиз мумкинки, кейинги йилларда эришилган катта ютуқларимиздан бири шундадир. Бу борада касаба уюшмалари қўшаётган ҳиссани ҳам эътироф этиш керак. Зеро, ушбу оммавий ташкилот ишловчиларнинг ижтимоий ва қонуний ҳуқуқларини ҳимоялаш билангина чекланиб қолмасдан меҳнаткашлар маънавиятини юксалтириш, дунёқарашини шакллантиришда ҳам катта ишларни амалга оширмоқда._**

Инсон дунёқарашини бир кунда, бир йилда шакллантириб, ўзгартириб бўлмайди. Бу, узлуксиз, ўлчови белгиланмаган кундалик фаолиятдан ўрин оладиган ишдир. Зеро, юртбошимиз уқтирганларидек «...Эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқачасига ифодалаганда, озод, ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир». Бинобарин, жамиятимиз олдида турган ушбу улуғвор ва мураккаб вазифа касаба уюшмалари вилоят Кенгашининг фаолият дастурида ўзининг алоҳида ифодасини топган. Барча меҳнат жамоалари билан касаба уюшмаларининг шартнома ва келишувларига маданий, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича бўлимлар киритилган. Маданият саройлари, клуб ва кутубхоналар, спорт иншоотлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни янада тараққий эттириш учун маблағлар ажратиш йўлга қўйилган ёки меҳнат жамоалари иш ҳақи жамғармасидан 0,15 фоизи спорт ва соғломлаштириш мақсадларига йўналтирилмоқда. Ўтган ярим йилликда шу йўналишда катта маблағ сарфланганлиги бунинг исботидир.

Биз маданий-маърифий ишларни маданий-оқартув тадбирлари ўтказиш шакллари орқали ҳам амалга оширмоқдамиз. Бундай тадбирларда ишлаб чиқариш илғорлари, зиёлилар иштирок этишмоқда, шунингдек, бадиий ҳаваскорлик кўриклари, ҳар хил кўрик-танловлар, спорт байрамлари уюштирилмоқда. Масалан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида соҳадаги касаба уюшма қўмиталари хўжалик ташкилотлари билан ҳамкорликда умумхалқ ва касб байрамларини эсда қоларли қилиб уюштирдилар. Барча соҳалардаги каби касаба уюшмалари тармоқ қўмиталарида «Ўзбекистон - Ватаним маним», шунингдек, адабиёт, санъат, меҳнаткашларнинг бадиий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича кўрик-танловлар ўтказилди. Кейинги ойларда мамлакатимиз ҳудудларини ҳушёрлик билан қўриқлаб турган чегарачи аскар ва зобитлар билан ҳам учрашувлар ташкил этилди. Мақсадимиз ушбу тадбир иштирокчиларида она-Ватанга муҳаббат туйғусини чуқурроқ шакллантириш, мустақиллигимизга шукроналик ҳисларини уйғотиш ва илдизлари минг йилликларга бориб етадиган маънавиятимиз қадрига етишга ўргатишдир.

Касаба уюшма аъзоларимизнинг маънавий, ҳуқуқий билимларини ўзгартирмасдан туриб кўзлаган олий мақсад - фуқаролик жамиятини барпо этиш қанчалик мушкул эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Шу боисдан ҳам вилоят Кенгаши маънавият ва маърифат ишлари самарадорлигига эришиш масаласига алоҳида ёндошмоқда.

Бироқ ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, айрим касаба уюшмаларининг клуб, кутубхона ходимлари билан меҳнаткашлар орасида маданий-маърифий ишларни ташкил этиш бўйича фаолияти талаб даражасида эмас. Жойлардаги маданият муассасаларидаги аҳволдан хабар олиб уларга услубий кўмак бериш назардан четда қолган. Натижада бошланғич ташкилотларнинг шу йўналишдаги ишлари сусайиб кетган, амалдаги ишларида жонланиш сезилмайди. Масалан, уларнинг эътиборсизлиги сабабли меҳнат жамоаларида маънавият ва маърифат хоналари кам ташкил этилган. Борларидан ҳам кўнгилдагидек фойдаланилмайди. Уларда зарур ашёлар, оммавий-сиёсий китоблар, кундалик нашрлар йўқ. Тўрақўрғон туманидаги А. Набиев номли, «Туркистон» ширкатлар уюшмалари, Мингбулоқ туманидаги «Гулбоғ», Наманган туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжаликларидаги аҳвол бунга мисол бўла олади.

Баъзи касаба уюшма қўмиталарининг хўжаликлар, ташкилотлар, тармоқ қўмиталарининг эса туман ва шаҳар ҳокимликлари билан имзолаган келишувлар ва жамоа шартномаларига эса «Маънавият ва маърифат» хоналари ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, кутубхоналар учун янги китоблар сотиб олиш, меҳнаткашларни маданий-маърифий, спорт тадбирларига жалб этиш юзасидан режалари киритилмаган.

Биз вилоят касаба уюшма ташкилотлари фаолиятидаги бу каби хато-камчиликларни яқинда бўлиб ўтган семинар-кенгашда атрофлича кўриб чиқиб, уларни қисқа фурсатларда бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаб олдик.

**Равзахон ДЕҲҚОНОВА,**
**Наманган вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси ўринбосари.**

«Сидней-2000»

# МУҲАММАДҚОДИРНИНГ ЁРҚИН ҒАЛАБАСИ

***XX асрнинг энг сўнгги — XXVII ёзги олимпиадаси ўз ниҳоясига етди. Жаҳоннинг энг нуфузли мусобақасида спортнинг 28 тури бўйича юзлаб медаллар ўз эгаларига топширилди. Умумий ҳисобда Америка Қўшма Штатлари спортчилари жами 96 медал билан биринчи ўринни эгаллаган бўлса, россиялик ва хитойлик олимпиадачилар кучли учликдан ўрин олдилар. Кейинги ўринлар эса мезбонлар — Австралия, Германия, Куба, Франция, Италия, Жанубий Корея ва Буюк Британия терма жамоаларига насиб этди.***

Қувонарлиси, Сидней майдонларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган спортчиларимиз ҳам совриндорлар сафидан жой олишди.

Андижон бокс мактаби вакили, Осиё ҳамда жаҳон чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев кўксини олимпия олтин медали безади. У ҳал қилувчи баҳсда АҚШ вакили Рикардо Уильямсни 27:20 ҳисобида мағлуб этди. Бу ўзбек бокси тарихидаги энг юқори кўрсаткичдир.

«Чарм қўлқоп» усталаримиз Рустам Саидов ва Сергей Михайловлар бронза ҳамда эркин курашчимиз Артур Таймазов эса кумуш медал соҳиби бўлдилар.

Шунингдек, трамплиндан сакраш бўйича Екатерина Хилько тўртинчи, дзюдочимиз Алишер Мухторов бешинчи ўрин билан кифояланди. Афсуски, катта умид боғланган енгил атлетикачиларимиз, эркин ва юнон-рум курашчиларимиз муваффақиятсиз қатнашдилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, XXVII олимпиада мусобақалари баъзи ўзига хос хусусиятлари билан ҳам тарих зарварақларига муҳрланди. Чунончи, олимпиада баҳслари олимп ўйинлари тарихида ўйингоҳларга энг кўп спорт ихлосмандларини йиғди. Биргина енгил атлетикачилар беллашувларини томоша қилиш учун Сидней миллий ўйингоҳига ташриф буюрганлар сони 112 минг кишидан ошиб кетди. Мусобақаларнинг тантанали ёпилиш маросимига эса 110 минг киши бевосита гувоҳ бўлган бўлса, 2 миллиард киши ойнаи жаҳон орқали кузатди. Яна бир ҳайратланарли жиҳат шуки, энг кучли боксчиларга эга АҚШ ва Куба терма жамоалари Сидней рингларида кутилганидек натижага эриша олмадилар. Сўнгги 60 йил ичида бунақаси кузатилмаган эди.

Хуллас, 15 кун мобайнида миллиардлаб томошабинлар нигоҳида бўлган «Сидней-2000» баҳслари поёнига етди. Муҳими, яхши ният ила яшил қитъа сари юзланган спортчиларимиз кенг имкониятларга эга эканликларини кўрсатдилар. Забт этилмаган чўққилар эса келгуси олимп ўйинларида албатта эгалланади.

## КИТОБ - БИЛИМЛАР САРЧАШМАСИ

** Китоб - ақл-идрок чироғи,*
*Ҳар бир ишда инсон яроғи.*
** Китоб — билимлар сарчашмаси.*
** Бир одамдан бир ақл чиқса,*
*Китобдан минг ақл чиқар.*
** Китоб —бахт-саодат эшигин кўрсатар,*
*Калитин— иштиёқли меҳнат тутқазар.*
** Китобдан олган билиминг — ўзники,*
*Унга қараб яратганинг ҳамманики.*
** Китоб — беғараз устоз,*
*беминнат «хизматкор» ҳам!*
*Доно суҳбатдош ҳам — китоб,*
*Оқил маслаҳатдош ҳам — китоб.*

«Авесто»нинг 2700 йиллигига

# АВЕСТО ВА ЖУҒРОФИЯ

«Авесто»даги иккинчи бир қизиқарли нарса, бу географик далиллар хусусидаги маълумотдир. Икки жилдлик матнни кўздан кечирар эканмиз, етти иқлимдаги тоғларнинг миқдори, тузилиши, уларда қор бўлиш ёки бўлмаслиги, доимий музликлар хусусидаги маълумотлар эътиборимизни тортади. Жумладан, «Яшт»да қуйидагиларни ўқиймиз:

«Эй Спитаман Зардўшт!

Ушбу заминдан дастлабки бош кўтарган тоғ баланд Албура бўлиб, бутун Шарқу Ғарб сарзаминларини ўраб олган.

Иккинчи тоғ Зардаз бўлиб, «Мануш»нинг у томонидан Ғарбу Шарқ сарзаминларини ўраб олган. Ушбу тоғлардан кейинчалик Ушидам, Ушидран ва Арзифия тоғ тизмалари ўсиб чиқди. Олтинчи Орзур тоғи, еттинчи Бумия, саккизинчи Завдит, тўққизинчи Мазишвант, ўнинчи Антардангҳу, ўн биринчи Арзиш, ўн иккинчи Войтигие тоғлари пайдо бўлди». Шу тартибда яна элликдан зиёд тоғ ва тоғ тизмалари санаб ўтилади ва хитобан шундай дейилади:

«Эй Спитаман Зардўшт!

Шундай қилиб, дунёда 2244 та тоғ бор. Бу тоғлар ер юзини қанчалик ўраб тўсиб олмасин, яратганнинг ўзи чорвадорлару паррандапарварларга у ерларда ризқу рўз яратиб беради». Диққатга молик томони шуки, ҳар бир улкан тизмали тоғ санаб ўтилади, айримларининг хоссалари алоҳида таъкидланади. Масалан, «Ишкат Упайирсин тоғи доимий муз ва қор билан қопланган». «Хирманд ва Ниёсина дарёчалари Ушидам тоғи чўққиларидаги қалин қорларнинг эриши натижасида пайдо бўлган дарёлардир». Бундан ташқари Рай ва Теҳрон шаҳарларини шимол томонидан ўраб олган Дамавон тизма тоғлари ҳам бир неча ўринда зикр этилади.

(Боши ўтган сонларда)

Юқорида таъкидлаганимиздек, қадимги аждодларимиз ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, арик қазиш, канал чиқариш, сув ҳавзалари — дамбалар қуришга ҳам алоҳида эътибор беришган. «Вендидод» ҳамда «Яшт»ларда қадимги Хоразмнинг суғориш тизими ҳақида кўплаб маълумотлар мавжуд. Баъзи лавҳаларда у ёки бу дарё шоҳобчаларининг пайдо бўлиши тарихи баён этилган. «Авесто»даги далиллардан маълум бўлишича, ўша даврларда биргина Амударёдан мингта шоҳобча ва мингта анҳор ажралиб чиққан экан. «Билгимким Ард-иссура Анахито минг дарёча ва минг анҳор, уларнинг ҳар бири чаққон йигитнинг қирқ кунлик чопадиган йўли узунлигида бўлиб, Дарёи Фароҳи Карт томон оқсин. Тўлиб-тошиб оқаётган бу сувлар бора-боргунча соҳилларни сироб қилсин! Менинг измимда бўлган ана шу сувлардан етти кишварга ариқлар оқсин, суви қишин-ёзин асло камаймасин, у эркаклар пушти-ю аёллар сутини пок этсин». Айрим дарёнинг узунлиги, улар сув билан таъминлайдиган минтақалар аниқ кўрсатилган, таъкидланган. «Хоразм кўли» — Орол денгизига Дарёи Фароҳи Картнинг қуйилиши ҳам алоҳида қайд этилган.

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, баъзан у ёки бу дарёлардан пайдо бўлган янги ирмоқлар эслатилади, айрим шоҳобчаларнинг пайдо бўлиши у ёки бу тарихий шахс билан боғланади. Масалан, Вангоздо, Ужданун Амударёнинг янги пайдо бўлган ирмоқлари бўлса, «Хирманд ва Каёнис дарёлари Ушидам тоғларидаги қорлар эриб, оқиб келадиган сувлардан вужудга келган». Хуштаро, Хушпо, Фардис, Хорнангти, Уштун, Урудо, Арзи, Зарнимитий анҳорлари кўп боғу роғлар, яйловларни обод қилиб, Каёнис дарёсига бориб қўшилади. Бундан ташқари Каёнисга улкан Хирманд дарёсининг ирмоқлари бўлмиш Райманд ва Фармандлар ҳам келиб қўшиларкан. Амударёнинг учта ирмоғи бевосита Гуштасб, Афросиёб ва Кай Хусрав сингари тарихий шахслар билан боғлиқ тарзда изоҳланади: шунинг учун ҳам улар тарихда «дарёчаи Хусрав» деб юритилади. «Вендидод»нинг айрим фаргардлари, Замёд Яшт, Ардвиссура Анахитоларда яна ўнлаб дарёлар, руд ва анҳорлар ҳақида қизиқарли далиллар бор. Бундан ташқари, «Авесто»да Қуёш галактикаси, ой, ер, юлдуз туркумлари, кеча ва кундуз, ойнинг куйиши, қуёш тутилиши, ҳайвон ҳамда паррандалар олами, зарарли ва фойдали ҳашоратлар дунёси, иқлимнинг ўзгариб туриши, ер, тоғ ва дарёларда юз берадиган табиий ва ғайритабиий ҳодисалар хусусида ҳам бир-биридан ғаройиб далиллар мавжуд. «Жонварони панжгона» (беш уруғли жониворлар), «Ситорагони Ҳафтгона» (етти туркумли юлдузлар), «Ситорагони ҳафтранг» (етти рангда товланувчи юлдузлар), «Паррандагони хафтагони» (етти уруғли қушлар), «Ҳафт кушвар» (бу ерда етти иқлим маъносида қўлланилган) сингари сўз ва иборалар ҳам кўп учраб туради. Ер юзини етти иқлимга бўлиб изоҳлаш, инсоният тарихини даврлар ва босқичларга бўлиб шарҳлаш ҳам анча батафсилдир.

Умуман, ёдгорликда сув тириклик воситаси, ҳаёт омили, покланувчи манба, юрт ободлигини таъминловчи асосий заҳира деб таърифланади: уни исроф ва ифлос қилмасликка, сув чиқаришга даъват этилади: «Тоғ жилғаларидан биттасини қуритган одам тангри қаҳрига учрайди». Бундан ташқари, Фароҳи Карт, Хирманд, Каёниса, Навтак, Хирируд дарёлари энг пок ва муқаддас сувлар сифатида кўп таърифланади: «Фароҳи Карт дарёсининг суви қанчалик ширин, пок ва муқаддас бўлса, донишманд ва хушбахт Зардўшт яратган дин ҳам шунчалик покиза ва муқаддасдир». Сув — ҳаёт манбаи, ёруғликдир деганлари ҳам шундан бўлса керак. Ёдгорликдаги тоғ ва дарёларнинг номини этнографик ва топонимик тадқиқотларининг ўзи алоҳида мақолага мавзу бўлиши мумкин.

**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,**
**профессор.**

Навоий шаҳридаги «Кимёгар» ўйингоҳида «Алпомиш ўйинлари» спорт фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг шаҳар ва туманларидан кўплаб жамоалар қатнашди. Фестивал иштирокчилари Фарғонача ва Бухороча усулдаги миллий кураш, «Турон» миллий якка кураши ҳамда «Бўрон», «Минди», «Елкада кураш», «Тортишмачоқ» сингари халқ ўйинлари бўйича куч синашди.

## «АЛПОМИШ ЎЙИНЛАРИ»

Муросасиз ўтган мусобақалар натижасида Навоий шаҳри спортчилари биринчи ўринни эгаллади. Конимех ва Навбаҳор туманлари жамоалари эса иккинчи ҳамда учинчи ўринларга сазовор бўлишди. Ғолибларга эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди.



## ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Ўсимликлар оламида энг улкан япроқли дарахт Ҳинд океанидаги Маскарен оролида ўсувчи рафия пальмаси экан. Шунингдек, Жанубий Американинг Амазонка дарёси соҳилида ўсувчи бамбукли пальма ҳам баҳайбат япроқларга эга. Бу дарахтлар баргининг узунлиги 18-20 метрга етади.

* * *

Уруғларнинг ҳам каттаси бор экан. Масалан, Ҳинд океанидаги Сейшел оролларида ўсувчи какос ёнғоғи мевасининг биргина уруғи билан 18 килолик тош босади.




Мустақил юртимизда ҳар куни бир янгилик. Тинчлик-осойишталик боис шаҳар-қишлоқларимиз қиёфаси кун сайин чирой очиб бормоқда. Касби туманидаги Косон-Муборак йўлида янгидан қурилган «Майманоқ» гузари ҳам ана шундай иншоотлардан бири. Замонавий ва айни дамда шарқона услубда барпо этилган гузарда савдо дўконлари, маиший хизмат турлари ва бозор бўлиб, аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.

**Шавкат СУЛТОНОВ олган сурат.**

2000 йил — Соғлом авлод йили

# ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

***АҚШ «Ameri Cares» Халқаро инсонпарварлик ташкилотининг «Элай Лилли» компанияси томонидан 840 минг АҚШ доллари миқдорида 50 минг дона «Инсулин» ампуласи ва «Бектон Дикинсон» компаниясидан 330 минг дона шприц инсонпарварлик ёрдами сифатида Ўзбекистонга олиб келинди.***

— Жамғармамиз «Соғлом авлод» дастурини бажариш доирасида халқаро ташкилотлар, жамғармалар ва компаниялар билан яқиндан ҳамкорлик қилаётир, - деди «Соғлом авлол учун» жамғармаси раиси Ойниса Мусурмонова «Туркистон-пресс» мухбирига. — Улар орасида «Ameri Cares» ҳам бор. Халқаро ташкилот томонидан республикамизга келтирилган навбатдаги инсонпарварлик ёрдами қандли диабетга учраган беморлар учун мўлжалланган. Дори-дармонларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда республикамиздаги эҳтиёжманд кишиларга тарқатамиз.

Айтиш керакки, ушбу ёрдам мазкур ташкилотнинг республикамизга кўрсатаётган иккинчи инсонпарварлик хайрияси ҳисобланади. Ташкилот соғлиқни сақлаш тизими учун июл ойида 3 миллион 437 минг АҚШ доллари миқдорида зарур ашёлар жўнатганди. Унинг таркибида 27,8 тонна дори-дармонлар, тиббиёт асбоблари, санитария ва гигиена буюмлари бор эди. Улар соғлиқни сақлаш тизими орқали республиканинг даволаш муассасаларига, шунингдек, жамғарманинг ҳудудий филиаллари орқали «Меҳрибонлик» уйлари, ихтисослаштирилган болалар муассасалари ва туғруқхоналарга тарқатилди.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси ва «Ameri Cares» ташкилотининг биргаликдаги инсонпарварлик тадбирлари Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб таъкидлади О.Мусурмонова.

БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ:

*1982 йилда тузилган «Ameri Cares» хусусий нотижорат ташкилоти дори-дармонлар, тиббий буюмлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш билан шуғулланувчи дунёдаги энг йирик хайрия ташкилотларидан бири ҳисобланади. У жаҳоннинг 130 дан ортиқ мамлакатига 2,5 миллиард доллардан зиёдроқ хайрия ёрдамлари етказиб берган. Шу билан биргаликда табиий офат юз берган ҳудудларга зарур ёрдам етказиб бериш ҳам ташкилот дастуридан ўрин олган. Компания жаҳон халқларининг дини, ирқи ва сиёсий қарашларидан қатъи назар турли мамлакатларда соғлиқни сақлаш соҳасида узоқ муддатли дастурларни қўллаб-қувватламоқда.*

Футбол

# ЛИВАНГА САФАР ОЛДИДАН

Яқинда футбол билимдонларидан бири билан телефон орқали боғланиб, миллий терма командамизнинг Осиё кубогига тайёргарлиги, имкониятлари ва муаммолари хусусида газетамизда чиқиш қилиб беришини таклиф этдигу жавобни эшитиб, ўйланиб қолдик: наҳотки, чиндан ҳам айтишга арзигулик ҳеч гап бўлмаса?

Дарҳақиқат, бир неча ўртамиёна терма жамоалар билан ўртоқлик учрашувлари, қолаверса, 4 октябрда «Нефтчи», яна тўрт кундан сўнг Туркманистон миллий терма командаси билан бўладиган назорат ўйинлари жиддий таҳлил учун озуқа бўлолмаслиги аниқ. Шундай экан, биз — футбол мухлислари Ливандан нимани умид қилишимиз мумкин? Чамаси, терма жамоа бош мураббийсини тайинлашдаги кўпчиликка маълум «ол кетди — ол қўйди» лар туфайли вақт бой берилганлигини энди—энди ҳис қилаётгандекмиз.

Лекин умид энг сўнг ўлади, деган нақл бор. Ёдингиздами, бундан бир неча йил муқаддам сиёсий беқарорлик туфайли Югославия терма командаси ўрнига Европа чемпионати финал баҳсларига зудлик билан «чақиртириб олинган» Дания футболчилари фавқулодда мазмунли ўйин намойиш этиб, қитъа чемпиони бўлишган эди. Ажаб эмас, бизнинг «чарм тўп» соҳибларимиз ҳам барчани ҳайратга солиб, бундан олти йил илгари Хиросимада бўлгани каби шов—шувли натижаларни қўлга киритсалар! Ахир, таркибида Бугало, Қосимов, Ширшов, Ирисметов, Акопянц ва табиийки Киевнинг «Динамо»сида асосий тўпурар ҳисобланмиш Максим Шацких каби футболчилари бўлган жамоа мўъжиза яратишга қодир, дея ишонч билдирсак арзимабдими?!

Ҳар ҳолда ички чемпионатимизда командалар мухлисларга ҳавола этаётган ўйин мазмуни ва натижаси кишида умидворлик уйғотмоқда. Юқори ва қуйи, ҳатто турнир жадвалининг ўрта қисмида бораётган клублар ҳам майдонда астойдил ҳаракат қилаётганлари, айниқса, кишини қувонтиради. Кутилмаган ҳисоблар ҳам аслида шунинг натижаси бўлса эҳтимол. Хусусан, тобора кучга тўлиб бораётган «Пахтакор» аввалги турда «Сўғдиёна»ни 6:1 ҳисобида енгиб, 32-турда «Гулистон» билан дуранг (0:0) ўйнармиди? Ёки Чирчиқнинг «Кимёгар» командаси эришаётган натижаларга қаранг: аввалги турда «Трактор»ни 3:2 ҳисобида доғда қолдирган жамоа «Металлург» билан бўлган навбатдаги турда ҳам худди шундай ҳисобда ғалабага эришгач, айтиш мумкинки, хавфли зонадан анча узоқлашиб кетди.

Турнинг марказий ўйинлари бўлмиш «Дўстлик» — «Трактор» ва «Зарафшон» — «Нефтчи» ўртасидаги учрашувлар номаълум муддатга қолдирилганлиги боис мухлислар эътибори «Навбаҳор»—«Сурхон», «Самарқанд-Д»—«Андижон» ва «Темирйўлчи»—«Насаф» клублари баҳсига қаратилди. Наманганликларнинг шиддатли ҳужумлари ўз самарасини берди ва улар 5:0 ҳисобида зафар қучдилар. «Самарқанд-Д» ҳам тўла устунликка эришди ва меҳмонлари дарвозасига жавобсиз уч тўп киритиб, турнир жадвалидаги мавқеини мустаҳкамлаб олди. Лекин энг муҳим ғалабага «Насаф» эришди дейиш мумкин. Гарчанд қўқонлик футболчиларнинг бугунги аҳволи ҳавас қиларли даражада бўлмаса-да, меҳмонда қўлга киритилган ғалаба (1:2) ҳамиша юқори баҳоланади.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Семурғ»—«Сўғдиёна» — 5:1, «Бухоро»—«Турон» — 4:0, «Қизилқум»—«Хоразм»—1:0

**Олий лига. 32-турдан кейинги ҳолат**

| Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т—Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1. «Дўстлик»** | **29** | **23** | **4** | **2** | **83-32** | **73** |
| **2.«Насаф»** | **32** | **21** | **7** | **4** | **71-41** | **70** |
| **3. «Нефтчи»** | **30** | **20** | **6** | **4** | **69-27** | **66** |
| 4. «Самарқанд-Д» | 31 | 21 | 2 | 8 | 81-38 | 65 |
| 5. «Навбаҳор» | 32 | 18 | 7 | 7 | 80-40 | 61 |
| 6. «Бухоро» | 32 | 17 | 4 | 11 | 59-49 | 55 |
| 7. «Сурхон» | 32 | 14 | 6 | 12 | 61-61 | 48 |
| 8. «Пахтакор» | 32 | 13 | 8 | 11 | 54-45 | 47 |
| 9. «Андижон» | 32 | 12 | 10 | 10 | 64-48 | 46 |
| 10. «Трактор» | 31 | 13 | 4 | 14 | 47-43 | 43 |
| 11. «Семурғ» | 32 | 12 | 7 | 13 | 52-56 | 43 |
| 12. «Металлург» | 32 | 11 | 7 | 14 | 40-49 | 40 |
| 13. «Қизилқум» | 32 | 9 | 11 | 12 | 35-47 | 38 |
| 14. «Кимёгар» | 32 | 9 | 8 | 15 | 36-53 | 35 |
| 15. «Гулистон» | 32 | 8 | 5 | 19 | 34-58 | 29 |
| 16. «Темирйўлчи» | 32 | 7 | 5 | 20 | 47-80 | 26 |
| **17. «Зарафшон»** | **31** | **6** | **8** | **17** | **26-61** | **26** |
| **18. «Сўғдиёна»** | **32** | **7** | **5** | **20** | **41-81** | **26** |
| **19. «Турон»** | **31** | **6** | **6** | **19** | **30-68** | **24** |
| **20. «Хоразм»** | **31** | **5** | **6** | **20** | **27-56** | **21** |

## ТАБИАТ АЖОЙИБОТЛАРИ

**Ёмғир олдидан акасканинг сариқ гулида уруғчалар четга чиқиб, марказий қисмида ялтироқ «асал» томчиси пайдо бўлади. Бу ариларни ўзига жалб этади. Улар ғужғони ёғингарчиликдан дарак беради.**

* * *

*Беданинг бинафша рангли нафис гуллари тўсатдан ёпилиб қолса, ҳаво айниб ёмғир ёғади.*

* * *

**Арчадан барометр сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Агар ҳаво айниб ёғин-сочиндан дарак берса, арча шохлари бир-бирига яқинлашади. Агар шохлар яна бир-биридан узоқлашса, бу ҳавонинг очиқ бўлишидан дарак беради.**

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Миргиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 23.00

Буюртма Г— 824.
1 2 3 4 5 6